

ЎҒРИ ТАЛАБА

Судланувчи Тошкент Иқтисодиёт ва технологиялар университетининг 1-босқич талабаси У.С. (ФИШ ўзгартирилган) ўғирлик қилиш мақсадида, 2023 йил тахминан 15-20 август кунлари соат 12 ларда Узун тумани, “...” маҳалласида яшовчи фуқаро О.И.нинг уйига ғайриқонуний кириб, ётоқхонадаги жавондан 45.000.000 сўм пулларини яширин равишда ўғирлаб, ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, У.С. жиноий ҳаракатларини давом этириб, такроран ўғирлик қилиш мақсадида, 2023 йил 3 октябрь куни соат 12 ларда Узун тумани, “...” маҳалласида яшовчи фуқаро О.И.нинг уйига ғайриқонуний кириб, ётоқхонасидаги жавондан 10.000.000 сўм пуллар ва 1000 АҚШ доллари (Ўзбекистон Республикаси сўмига нисбатан қиймати 12.200.000 сўм) миқдордаги пулларни яширин равишда ўғирлаб, ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Судланувчи У.С. суд мажлисида айбига иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам, О.И. ён қўшниси бўлишини, унинг ўғли А. синфдоши бўлгани сабабли, доим уларнинг уйига кириб-чиқиб юрганини, уйдаги хоналарни яхши билишини, 2023 йил 15-20 август кунлари (аниқ санаси эсида йўқлигини) соат 12 ларда О.И.нинг уйида ҳеч ким йўқлигини билиб, ўғирлик қилмоқчи бўлганлигини, унинг уйига кириб, хонада турган тумбочка эшиги очиклигини кўрганлигини, унинг ичидаги пулларни олиб кўчага чиқиб кетганлигини, четроққа бориб пулларни санаб кўрганида 45 млн. эканини билганлигини, 24 август куни ушбу пулларнинг 5,5 млн. сўмини ўқишини контракт тўловига тўлаганлигини, 3,2 млн. сўмига Денов туманидаги бир дўкондан онасига тилло узук ва сирға сотиб олганлигини, тақинчоқларни онасига совға қилганлигини, онаси бунча пулни қаердан олганини сўраганида Тошкент шаҳрида мардикорчилик қилиб ишлаб топганини айтганлигини, пулларни қолганини ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборганлигини, пули қолмагандан кейин О.И.ни уйдан яна ўғирлик қилмоқчи бўлганлигини, шундан сўнг 2023 йил 3 октябрь куни соат 12 ларда О.И.нинг уйига даврозаси орқали кирганлигини, уйда ҳеч ким йўқлигини билиб, ичкари хонага кирганлигини, бу сафар хонадаги тумбочка қулфланганини кўриб, уни бузиб очганлигини, уни ичидан 10 млн. сўм ва 1000 АҚШ долларини олиб чиқиб кетганлигини, ушбу пуллардан 10 млн. сўмини отасига бериб, уйдаги қурилишга ишлатишини айтганлигини, отаси пулларни қаердан олганини сўрганида унга ҳам пулларни Тошкентда мардикорчилик қилиб топганини айтганлигини, қолган пулларни шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборганлигини, кейин 2023 йил 5

октябрь куни Тошкент шаҳрига кетганлигини, кейин 2023 йил 6 октябрь куни таксида Бухоро вилоятига тўйга бораётган вақти йўлда ИИБ ходимлари ушлаб, эртасига Узун туман ИИБга олиб келишганлигини, ИИБ га келганидан кейин О.И.нинг уйидан ўғирлик қилганини тан олиб, бўлган ҳолатни айтиб берганлигини, моддий томондан қийналганлиги учун ўғирлик қилганлигини, ўғирликни бир ўзи содир этганини, бошқа бундай ўғирлик қилмаслигини, ҳозирги кунда О.И.ни пулларини тўлиқ қайтаришганлигини, оилавий шароити оғирлигини, талаба эканлигини инобатга олиб, ўзига нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

ЖИБ Узун туман судининг 05.01.2024 йилдаги ҳукмига кўра, М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Ушбу олий таълим даргоҳда ўқиётган жиноятчи (ўғри) талабадан келгусида нима кутиш мумкин. Зеро ушбу талаба қилмишидан ва тайинланган жазодан тўғри хулоса чиқариб яна жиноят кўчасига қайта қадам босмаслигига умид қилиб қоламиз.

Жиноят ишлари бўйича

Узун туман судининг раиси

О.Жуманов